## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан:

муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — резервга;

муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — заҳирага бўшатилсин.

2. 1978-1987 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2005 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (О.Обидов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) бир ҳафта муддатда «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларнинг яшаш жойларига қайтиш тартиби тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқсинлар ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучлардан бўшатилган фуқароларни уларнинг хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), Қуролли Кучлар Бирлашган штаби (И.Эргашев), ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари:

муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни қўшилмаларга ва қисмларга қабул қилишда юксак уюшқоқликни, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматчилар ҳарбий мутахассисликларни сифатли ўзлаштириб олишига, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топишига, мақсадга интилиш, Ватанга муҳаббат ва уни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туришга асосланган мустаҳкам ҳаётий фазилатларни шакллантириш йўлида уларнинг самарали жанговар тайёргарлигини ташкил қилишни, маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни таъминласинлар.

6. «Ўзтелерадио» компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов)га чақирилувчиларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши Котиби Р.Мирзаев зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 4 март.*

## «МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЯПОНИЯ»

**Пойтахтимизда «Марказий Осиё - Япония» мулоқотининг вакиллар даражасидаги кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Япония ташқи ишлар вазирликлари вакиллари иштирок этди.**

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, иқтисодиёт вазири Рустам Азимов очиб, «Марказий Осиё — Япония» шаклида мулоқот йўлга қўйилиши минтақамизда хавфсизлик ва иқтисодий тараққиётни таъминлашда, интеграцияни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Бундай алоқа Марказий Осиё давлатлари билан Япония ўртасидаги икки ва кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кенгашда «Марказий Осиё — Япония» доирасида сиёсий, илмий-техникавий, маданий алоқаларни ва сайёҳлик бизнесини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, транспорт инфратузилмаларини, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, сув-энергетика заҳираларидан унумли фойдаланиш, савдо ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, террорчилик ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш каби йўналишларда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Япония раҳбарияти ўзининг 1997 йилда эълон қилинган «Буюк ипак йўли» дипломатиясига биноан Марказий Осиёда интеграция жараёнларини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Кунчиқар мамлакат ҳозиргача ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмаларни такомиллаштириш мақсадида минтақамиз давлатларига 2,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Япония Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов илгари сурган Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Кенгашда Марказий Осиё давлатлари билан Япония ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилди.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## АЁЛГА ЭҲТИРОМ

**Ўзбекистон Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, шунингдек қатор ҳукумат қарорлари ва давлат дастурларининг қабул қилиниши мамлакатимиз аёлларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга, уларда ҳаётга бўлган қизиқиш ва юксалишга бўлган интилишнинг кучайишига, аёлга хос бўлган улуғ фазилат ва қадриятларни эъзозлашга муҳим омил бўлди.**

Она заминимизда истиқомат қилаётган ҳар бир аёл ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликка жавобан билдирилган ишончни оқлаш мақсадида бор имкониятларини ишга солиб, жамиятимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Кейинги пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёлларнинг иштироки кўпайиб бормоқда, шу билан бирга жамиятимизга бугунги кун нафаси билан яшайдиган комил хотин-қизларни етиштириб бераётган раҳбар аёллар ўз ўрнини топаётгани қувонарли ҳолдир.

Яқинда мамлакатимизда кечган муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар орасида аёллар сони анча ўсгани, шунингдек Сенат аъзолари сафидан аёллар ҳам жой олгани хотин-қизларимизнинг сиёсий мавқеи сезиларли даражада кўтарилганидан далолатдир.

Куни кеча Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитасининг таклифига биноан Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан азим пойтахтимизга 800 нафардан зиёд тадбиркор аёллар тажриба алмашиш ва ўз соҳаларида эришган ютуқлари билан ўртоқлашиш мақсадида ташриф буюрганини бугунги кунда аёлларга бўлган эҳтиромнинг дебочаси дейиш мумкин.

Меҳмонлар Темурийлар тарихи ва Ўзбекистон тарихи давлат музейлари, «Сағбон-текстиль» қўшма корхонаси, 42-оилавий шифохона, «Ачаобод» маҳалласи, қатор спорт иншоотлари билан яқиндан танишдилар. Пойтахтимиз меҳмонлари учун байрам дастурхони безатилиб, эстрада юлдузлари ва кулги усталарининг иштирокида катта концерт дастури ҳавола этилди.

— Муҳтарам Юртбошимизнинг биз, аёлларга, кўрсатаётган ғамхўрликлари учун шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган барча хотин-қизлар номидан миннатдорчилик билдирмоқчиман, — деди Чиноз тумани фермер хўжалиги раиси Бейсенкул Жолтаева. — Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим. Қарангки, иш билан овора бўлиб, ҳаттоки азим Тошкентимизнинг қисқа вақт ичида гуллаб-яшнаб, кишини лол қолдирадиган даражада ўзгариб кетганидан бехабар бўлиб қолибмиз. Пойтахтда нимаики кўрган бўлсам, ўз таассуротларимни вилоятдаги аёлларга етказишга ҳаракат қиламан.

Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад вилоятларда, чекка-чекка қишлоқларда эркаклар қаторида елкама-елка деҳқончилик, ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик билан шуғулланиб, ҳар бир сиқим тупроққа, ниҳолга меҳрини бераётган аёлларни янада эъзозлаш, ҳалол меҳнат билан машғул бўлаётганларнинг руҳини кўтариш, уларга байрамона кайфият улашиш, узоқ тарихга эга бўлган бой маънавий меросимиз ва қадриятларимиздан воқиф қилиш, эътибор ва самимий туйғуларни ифода этиш орқали улардаги она Ватанга садоқат, кишиларга бўлган меҳр-оқибат, келажакка ишонч билан қараш, тараққиёт сари қадам ташлаш, эзгу ниятларини рўёбга чиқаришдир.

Зеро, юқоридаги бу тадбирнинг «Аёлга эҳтиром» дея аталгани ҳам бежиз эмас.

**Баҳодир АЗИЗОВ**

## Оламда нима гап?

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Молдавияда бўлиб ўтадиган парламент сайловида илк бор «Электрон сайлов» тизими жорий этилади. Сайловлар бугун 6 мартда бўлиб ўтиши белгиланган. Ушбу лойиҳага кўра, сайловчилар ўз номзодлари исми-шарифи ёзилган қаторга белги қўйишаётган бир вақтда уларнинг қўлидаги ручкага ўрнатилган микрокамера маълумотларини марказга сонияларда етказади. Молдавия марказий сайлов комиссияси бу тизимни сайловларда содир бўладиган ноқонунийликлар ва тушунмовчиликларнинг олдини олувчи ажойиб лойиҳа дея баҳолашди.

● Гонконг ҳукумати раҳбари Тун Чихуа соғлиғи туфайли истеъфога чиқишга қарор қилди, деб хабар беради маҳаллий газеталар. Бироқ, бу маълумот Хитой расмийлари томонидан тасдиқланмаган. Тун Чихуа 1997 йилдан, яъни Гонконг Хитой юрисдикциясига ўтганидан сўнг ҳукуматга раҳбарлик қилиб келган. Унинг ваколат муддати 2007 йилда тугаши лозим эди. Маҳаллий журналистларнинг хабар беришларича эндиликда Тун Чихуа ўрнини унинг ўринбосари Дональд Цан эгаллайди.

● Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзай Абдурашид Дўстумни мамлакат армияси бош штаби бошлиғи этиб тайинлади, деб хабар беради Би-би-си агентлиги. Кузатувчиларнинг фикрича Ҳамид Карзай дала қўмондонларига қарши кураш эмас, балки уларни ҳукумат таркибига киритиш сиёсатини олиб бормоқда. Дўстумнинг бош штаб бошлиғи этиб тайинланиши бунинг яна бир бор исботи бўлди.

● Украина миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгаши ўз ҳарбийларини Ироқдан олиб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири Борис Тарасюк маълум қилди. Мамлакат ҳарбийларини Ироқдан олиб чиқиш амалиётларининг биринчи босқичи 15 мартдан бошланади. Украина мудофаа вазири Анатолий Гриценконинг айтишича ушбу босқичда 150 нафар ҳарбий ўз ватанига қайтади.

● Лондонда 23 мамлакатнинг юқори мартабали вакиллари иштирокида Яқин Шарқ масаласи бўйича конференция ўтказилди. Унда Фаластинга амалий ёрдам кўрсатишга келишиб олинди. Буюк Британия пойтахтида эришилган келишувлар Фаластин мухториятининг давлат тизими, хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши каби масалаларни ўз ичига олади.

● Стэнфорд университети жарроҳи Чарльз Тейлор шифокорларга хавфли операцияларни компьютерда ўтказиш имкониятини берувчи технологияни ишлаб чиқди. Бу технология операция одам организмига қандай таъсир қилишини аниқлаб беради. Энди жарроҳлар операцияни аввал компьютерда, кейин эса одамда ўтказади. Мутахассисларнинг фикрича янги технология кўплаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Чунки айнан организмнинг операцияга нисбатан кутилмаган реакцияси натижасида кўплаб касаллар ҳаётдан кўз юмади.

*Маънавият*

## ЖУРНАЛИСТИК ФАОЛИЯТГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг “Фан” нашриёти томонидан чоп этилган навбатдаги тўплам “Журналистнинг жони қаттиқ” деб номланди. Истеъдодли журналист Фармон Тошев қаламига мансуб бўлган бу янги китоб Республикамиз оммавий ахборот воситалари ҳақида ҳикоя қилади.**

Муаллиф тажрибали муҳаррир ва журналист сифатида орттираётган бой тажрибаларини мухлислар билан баҳам кўради. Ҳамкасбларнинг журналистик фаолияти уларнинг самарали изланишлари ҳақида ҳам фикрлар берилади.

Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси томонидан босмага ҳозирланган мазкур тўплам ёш журналистлар учун фойдали адабиёт бўлиб хизмат қилади.

## ПЕДАГОГИКА ТАРИХИДАН ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

**Ўзбекистон педагогика фани ўзининг бой тарихига эга. Ана шу жараённи тадқиқ этишда педагогика фанлари доктори профессор Асқар Зуннунов самарали изланишлар олиб бормоқда.**

Олимнинг “Ўзбекистонда педагогика тарихидан очерклар” деб номланган китобида ушбу соҳанинг муҳим қирралари ёритилган. Профессор етакчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган дарслик ҳам эътиборни ўзига тортади. Дастлаб бу дарслик олий ўқув юртлари учун яратилган эди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ҳам алоҳида дарслик чоп этилди.

## ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

**Республикамиз касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари яна бир янги дарсликка эга бўлишди. “Она тили ва адабиёт” деган номда чоп этилган мазкур ўқув адабиёти намунавий ўқув дастури асосида юзага келди.**

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида тақдим этилган ушбу китоб дарсликларнинг янги авлоди туркумидан чоп этилган энг яхши нашр деб баҳоланди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Ўлкамизда Наврўз нафаси*

# ҲУСНИГА ҲУСН ҚЎШИЛАДИ

**Қалбларимизни шодлик ва қувончларга тўлдириб кириб келган баҳор ҳадемай гулу чечаклар ифорини таратиб, атрофга ўз сепини ёяди. Айни табиатнинг ёшариб, янгиланиш палласида ҳамшаҳарларимиз юртимизда ўтаётган ободонлаштириш икки ойлигида фаол қатнашиб, ўзида бор гўзалликни, меҳр-оқибатни жам этган, миллий қадриятларимиз эъзозланадиган Наврўзи оламга тараддудни бошлаб 19 март куни умумхалқ ҳашарини уюшқоқлик билан ўтказишади. Пойтахтликларнинг истиқомат қилаётган гўшалари, иш ва ўқиш масканлари, маҳаллалари, қўйингчи, пойтахтимизнинг ҳар бир туманларида покизалик, орасталик, кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин кечмоқда. Яккасарой туман ободонлаштириш бошқармаси ишчиларининг ҳам баҳорий ишлари авжида.**





— Атроф-муҳитимиз тозалигидан бошқалардан кўра кўпроқ ўзимиз манфаатдормиз, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси раҳбари Бахтиёр Ҳожимирзаев. — Айни кўклам дарахт экиш учун энг қулай мавсум ҳисобланади. Экилган дарахт ва гуллар гўзаллик рамзи бўлибгина қолмай, балки она табиатимиз мусаффолигини таъминлаш, автоуловларнинг шовқинини камайтиришга беминнат хизмат қилади.



Наврўзи олам тараддуди ишларида бошқарманинг 283 нафар ғайратли ишчилари жалб қилинган. Туманнинг Усмон Носир, Муқимий, Шота Руставели, Афросиёб, Ўзбекистон, Бобур, Нукус, академик Сирожиддинов каби 20 тадан ортиқ шоҳкўчаларида ҳар йилгидан кўпроқ, жами 31 мингта: 5 мингта манзарали, 24 мингта терак ва акация дарахтлари экилади. Шунингдек, мингта игнабаргли ва шунча миқдорда мевали дарахтлар экилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, туман ҳудудига 100 мингтадан ортиқ гул ва кўчатлар ўтқазилади. Эрта баҳордан то кеч кузгача гўзал пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшиб барқ уриб очилиб турувчи атиргул, настарин, ялангул каби бутасимон ўсимликлар ҳамда тугмача, кетуния, тагетис, агератум каби мавсумий гуллар ўтқазилиб, улардан кўп қисми бошқарма ишчилари томонидан экишга тайёрланган бўлса, қолганини манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат хўжалиги ишчилари етиштириб беришмоқда.

Ободончилар шунингдек, марказий кўчалардаги аввалги йилларда ўтқазилган дарахтларни парваришлашади, оқлашмоқда, қуриган-синганларини олиб ташлашмоқда. Жумладан, улар ариқ, зовурларни чиқинди, ахлатлардан тозалаб, тартибга келтирмоқдалар. Тумандаги кўплаб хиёбон, йўлак, кўча, маҳаллаларни дид билан гуллар ёрдамида безатиш ишлари ҳам кўнгилдагидай кечмоқда.

Эътиборли томони, ободончилар тумандаги маҳаллаларга ҳам кириб бордилар ҳамда бошқармага қарашли техника воситаларида ноқонуний қурилган жойлардаги кераксиз ашё, ахлат, чиқиндилар олиб чиқиб кетилиши, ҳудудлар орасталанишига муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

*Санъат*

# НАВРЎЗНИ МАДҲ ЭТУВЧИ ҚЎШИҚЛАР

**Янгиланиш, яшариш, яшнатиш фасли оламга зеб ва оро берувчи, кўнгилларда насимлар ифорини таратувчи, заминга чирой бахшида этувчи файзиёб байрамларни ўз бағрида нишонловчи баҳор, наврўзи оламни қаршиламоқда. Қуёшнинг заррин ва ҳароратли тафти, замин бағрини иситиб боргани сари, она табиат, борлиқни, қиру-адирларни безамоқда. Чор-атрофга беқиёс гўзаллик, кўркамлик ва фусункорлик бахш этмоқда.**

Наврўз байрамига қизғин тайёргарлик юртимиз узра кенг қулоч ёймоқда. Чунки бу байрам миллий қадриятларимизни, анъаналаримизни, урф-одатларимизни ўзида мужассамлаштирган.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида ҳам Наврўзи оламни мадҳ этувчи янги-янги қўшиқлар яратилмоқда.

— Биз байрамга Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда алоҳида тайёргарлик кўраяпмиз. Шоирлар, бастакорлар, қўшиқчилар баҳамжиҳат бўлиб, баҳорни, Наврўзни, эзгуликни тараннум этувчи куй ва қўшиқлар яратаяпмиз. Бу янги тароналар Наврўзи олам нишонланаётган кутлуғ кунларда куйланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси қизғин ижод қучоғида. У ерда ҳар куни санъат аҳли жам бўлиб шеърлар, куйлар, қўшиқлар устида фикрлашиб мулоҳазаларини, эътирозларини билдиришади. Янги ғоялар устида ишланмоқда ва шуларнинг натижаси ўлароқ янги қўшиқлар дунёга келмоқда.

Абдулла Орипов шеъри, Рустам Абдуллаев куйи билан куйланадиган “Наврўз” қўшиғи, Баҳрулло Лутфуллаев куйи, Жуманиёз Жабборов шеъри билан айтиладиган “Наврўзим кел”, Ҳабибулла Раҳимов, Нормурод Нарзуллаев ҳамкорлигидаги “Шифокорлар”, Алишер Расулов ва Фарида Афрўз ижоди маҳсули бўлмиш “Наврўз тонги сингари янги қўшиқлар байрам совғаси сифатида юртдошларимизга тақдим қилинади.

Шунингдек, Алишер Икромов, Аваз Мансуров ва бир қанча ёш бастакорларимиз яратган баҳорни, Наврўзни тараннум этувчи қўшиқлар байрам тантаналарида, қувончли кунларда сирли ва сеҳрли маъво бўлиб таралиши қалбларга ором ва завқ бағишлаши, асосийси эса, Наврўзи оламни куйлаши қувончлидир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**Республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмасида “Сиҳат-саломатлик йили”га бағишлаб Кенгаш йиғилиши ўтказилди.**

# ДАСТУР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Унда Республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмасининг ўтган йилги фаолияти якуни ва “Меҳр ва мурувват йили” Давлат дастури”да белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботи ҳамда жорий йилда қилиниши лозим бўлган вазифалар тўғрисида маърузалар ўқилди. Республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов сўзга чиқиб, 2004 йилда ижодий уюшма томонидан мамлакатимиз миқёсида Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб қилинган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб, ютуқ ва муаммолар ҳақида атрофлича ўз фикрини билдирди.

2005 йилда эса “Сиҳат саломатлик йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар асосида ижодий уюшманинг йиллик иш режаси ва “Сиҳат саломатлик—юрт бойлиги” мавзусида тайёрланган тавсияномадан фойдаланиш тўғрисида ҳам келишиб олинди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**“Туркистон пресс”**

# ШОШМАҚОМ ЕВРОПАДА ЯНГРАМОҚДА

**Бенилюкс мамлакатларида Бухородан ташриф буюрган А.Бобохонов раҳбарлигидаги миллий чолғу ансамбли концертлари катта муваффақият билан ўтди. Голландиядаги Утрехт шаҳрида фаолият юритадиган “RASA Concerttournees” концерт бирлашмаси томонидан ташкил этилган мазкур гастролларда ўзбекистонлик санъаткорлар ижросида мумтоз ашулалар, жумладан, машҳур шошмақом оҳанглари янгради.**

Брюсселда ўзбек артистларининг чиқишлари Бельгия пойтахти мусиқа шинавандалари томонидан самимий кутиб олинди. Томошабинларнинг эътирофича, уларни мақомларнинг сеҳрли оҳанглари, миллий чолғу асбобларида маҳорат билан ижро этилган куйлар ва ижрочиларнинг мафтункор овозлари ром этди.

“Берсшоубург” концерт зали дастурлар раҳбари Дирк Сигерс “Жаҳон” АА мухбирига интервью бериб, сўнгги пайтларда Бельгияда Шарқ халқлари маданияти ва анъаналари, жумладан, ўзбек халқининг бой мусиқа маданиятини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ошиб бораётганини таъкидлади. У келажакда мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар янада ривож топишига ишонч билдирди.

— Шошмақом олами билан танишув менга олам-олам таассурот бахшида этди,— дейди Амстердам университети Осиё тадқиқотлари факультети илмий ходими Томас Вортер. – Нидерландияда бу мусиқани ҳозирча кам билишади, лекин шуни ҳам айтиш керакки, у Голландия пойтахти аҳолиси орасида ўз мухлисларига эга бўлди. Бундай маданий мулоқот халқларимизнинг ўзаро англашувига яқиндан кўмак беради.

**Жамшид МУТАЛОВ,**
**“Жаҳон” АА,**
**Брюссель.**

UZBEKTELECOM

TOSHKENT SHAHAR
TELEFON TARMOG‘I FILIALI



Жонажон юртимиз аёлларини

8-МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР

куни муносабати билан самимий қутлайди. Қалбингиз доимо гўзаллик ва меҳрга тўлсин. Энг яхши тилаклар ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!





# ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

*Хаётимиз гуллари бўлмиш азиз опа-сингилларимизни 8 март - Баҳор ва гўзаллик байрами билан чин қалбдан самимий муборакбод этади.*

*Ушбу қувончли кунларда мунис оналаримиз, барча опа-сингилларимизга мустаҳкам соғлиқ, баҳорий кайфият, тинчлик ва фаровонлик, Мустақил Ўзбекистон тараққиёти йўлидаги ишларида омад, илмий фаолиятларида улкан ютуқлар, ўқишларида муваффақиятлар тилаймиз.*





## МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

### 7 МАРТ, ДУШАНБА

Бугун байрамолди арафа куни бўлишига қарамай, бекор ўтириб дам олиш мумкин эмас. Таваккалчилик қилиш, чигаллашиб кетган вазиятлардан чиқиш йўлларини топишга ҳаракат қилиш керак. Фақат бунда эҳтиросларга берилмай, қонун доирасида иш тутишга тўғри келади. Шундагина бутун ҳаётингизни ўзгартириб юборадиган ғалабалар ва бахтиёр онлар сизга кўп ҳамроҳ бўлади.

Ҳар қандай ташаббусдан ва фаол ҳаракатлардан ўзингизни тийинг, кўпроқ дам олишга интилинг. Китоб мутолааси энг яхши машғулотлардан бири бўлиши мумкин. Ижод билан шуғулланувчиларга бугун илҳом келади.

Маъдандан ишланган ўткир буюмларни топиб олиш — қийинчиликларни енгиб ўтишингизга ишора. Ёмғирда қолиш ёки кийимингиз ҳўл бўлиши сирларингиз фош бўлишидан огоҳлантиришдир.

**ДУШАНБАДА:**

— тинмай меҳнат қилинг, зеро, сизнинг омадингиз меҳнатсеварлигингизга бевосита боғлиқ;

— кўчат учун уруғ сепинг, хонаки ўсимликларни парваришланг.

— ота-онангиз, кекса қариндошларингизни бориб кўринг, катта ёшдаги кишилар билан мулоқотда бўлинг;

— ирода кучи ва вазминликни намоён этиб, сабр-қаноатли ва мулоҳазали бўлишга интилинг.

Бўшангликка йўл қўйиш, бошқалар эътиборини ўзингизга тортиш, ижодга муккадан кетиш тавсия этилмайди.

### 8 МАРТ, СЕШАНБА

Кечаги кунги ҳар хиллик бугун ҳам давом этиши мумкин. Бугун аёллар гуллар, гулдасталарни қабул қилиб олишади. Совғалар учун энди очила бошлаган гулларни олган маъқул.

Бугунги кун санъат кишиларига, созанда ва рассомларга омадли келади. Тиббиёт ва табобат билан шуғулланувчилар учун ҳам бу кун хурсандчилик келтиради. Осойишталик, дилбар кайфиятда бўлиш, режалар тузиш, яхши нарсалар ҳақида ўйлаш тавсия этилади. Чунки бугунги ўйлаб қўйган нарсангиз албатта рўёбга чиқиши мумкин.

Тушларингиз ўнгидан келади. Тушда олган ахборотларингиздан фойдаланишингиз мумкин. Тушларингизни эслаб қолинг - кейинчалик улардан фойдалана оласиз.

**БАЙРАМ МАСЛАҲАТЛАРИ:**

— янги муҳим ишни бошлаш;

— кунни яхши улфатлар билан ўтказиш;

— катта бўлмаса ҳам ёқимли ва фойдали совғалар билан аёлларни қутлаш;

— байрам дастурхони атрофида тушлик ёки кечки зиёфат уюштириш;

— ҳар қандай муаммоларни ҳал этишда ўз кучингизга таяниб иш кўриш тавсия этилади.

### 9 МАРТ, ЧОРШАНБА

Мазкур чоршанба, мунажжимлар фикрича, жуда муваффақиятли бўлиши ёки фитна-фасод ичида ўтиши мумкин. Бу охир -оқибатда сизнинг фикр-хаёлларингиз самимиятига боғлиқ.

Айниқса, шу куни туғилган кишилар учун бу кун мураккаб кечади. Яъни улар барча синов ва хом хаёллардан ўтишларига тўғри келади. Бугунги башоратлар ўзини оқламайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда бирон янги ишни асло бошламанг, муҳим қарорлар қабул қилманг, янги танишлар орттирманг ва шовқин-суронли базмларда қатнашманг.

Бу кеча кўриладиган тушлар қўрқинчли, аммо алдамчи бўлади ва уларга эътибор беришнинг ҳожати йўқ. Асаб тизими ва руҳий хасталиклар хуруж қилиши эҳтимоли бор. Аллергия реакциялари ҳам хуруж қилиши мумкин. Шунинг учун дори-дармонларга ружу қўйиш ёки спиртли ичимликлар истеъмол қилишдан тийилганингиз маъқул.

**БУГУН:**

— яқинларингизга кўпроқ эътибор қилиш, шахсий ҳаётингизни изга солишни;

— фақат ёқимли ва енгил ишларни бажаришни;

— ўз обрўйингиз ва ташқи кўринишингизга эътибор қилишни;

— қийин вазиятларда фикрдош дўстингиз ёки турмуш ўртоғингизга мурожаат этишни тавсия қиламиз.

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Азизим, душманинг узрнамо сўзларини эшитиб ғурур отига минмагинки, у қанчалик тамаллуқ қилмасин, ялиниб ёлвормасин, барибир унинг сўзлари макру ҳийладан холи бўлмайди.

Адоват ниҳоли унинг сийнасида барқарор экан, бу ниҳолнинг меваси зарардан ўзга нарса бўлмайди.

Байт:

**Душманга ишонмоқ**
**самараси ғам,**
**Ғафлат тухумин**
**эккан тортажак алам!**

● Ўзини ҳақиқий доно, ақл эгаси деб билган киши бир ишга киришишдан аввал агар у шу ишнинг устаси бўлган тақдирда ҳам бошқа кишилар билан маслаҳатлашади. Чунки ўз ақлига бино қўйган киши адашади, ўз тадбирига ишонган киши тубанлик сари кетади.

● Ақлли одам шундай одамки, қийин вазиятдан осонгина қутулиб кетади. Доно шундай одамки, қийин вазиятга асло тушмайди.

Ҳар бир халқнинг ақли ўз замонасига нисбатан бўлади.

Ақлли киши қадру камол, нодон киши эса давлату мол қидиради.

Ва шу йўлда ўзини ўзи абгор этиши ҳам ҳеч гап эмас.

● Эй азиз, агар сен ўзгалардан яхшилик кўрай десанг, фақат яхшилик қил! Бу ҳақда шундай дейилган:

**Дунёда топайин**
**десанг омонлик,**
**Бировга заррача**
**қилма ёмонлик!**

● Букрот ҳаким шундай деган эди:

— Билмаган нарсангни биладигандек гапирма, керак бўлмаган нарсани қидирма, билмаган ва синашта бўлмаган йўлингдан юрма, яхши сўз бир гавҳарки, у ҳеч вақт ўзгармайди. Қилган ёмон ишларингга қайғурки, бундай ишдан афсусланмаслик яна баттарроқ хато қилишга олиб келади.

Шеър:

**Агар сендан хато юз**
**берса ундан кўп**
**надомат чек,**
**Хатодан кимки ибрат**
**олмаса кўплаб**
**хато қилгай!**







# «УМИД» МАЖМУАСИДА СПОРТ БАЙРАМИ

**Мамлакатимизда 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили сифатида эътироф этилиши ҳамда Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан пойтахтимизнинг турли жойларида спорт тадбирлари ўтказилмоқда.**

Шулардан бири Мирзо Улуғбек туманидаги «Умид» спорт комплексида ўтказилди.

Мусобақа очилишида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раиси Абдулла Очилов ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раҳбари Ботир Убайдуллаевлар сўзга чиқиб, мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталишиб, турнир қатнашчиларига оқ йўл тиладилар. Мусобақаларда мамлакатимиз вазирликларида фаолият юритаётган хотин-қизлар спортнинг стол тенниси, бадминтон ва волейбол турларида ўзаро баҳслашадилар. Икки кун давом этадиган турнир баҳсларида вазирликлардан ташриф буюрган 100 га яқин спортчи қизлар иштирок этади. Ушбу спорт тадбирининг асосий ташкилотчилари Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси қошидаги «Хотин-қизлар ва спорт комиссияси» ҳисобланади.

Мусобақанинг биринчи кунида Адлия ҳамда Халқ таълими вазирлиги қизларидан ташкил топган жамоалар спортнинг волейбол тури бўйича ўзаро куч синашишди. Дастлабки ўйинда 3:2 ҳисобида Адлия вазирлигининг спортчилар жамоасининг қўли баланд келади.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.**

**Дилшод Юсупов (ЎзА) олган суратлар.**




# ТАШАББУС ҚУЛОЧ ЁЗДИ

**Баҳор мавсуми бошланиши муносабати билан “Камолот” ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан шаҳримиз туманларида ободонлаштириш тадбирлари бошлаб юборилди. Наврўз байрами арафасида ўтказилаётган мазкур тадбир Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгаши қошидаги “Маҳалла умидлари” маркази ва “Маҳалла” жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган, у маҳаллаларда оммавий ҳамкорлик йўлида ўтказилмоқда.**

Шундай ободонлаштириш ишлари март ойининг илк кунлариданоқ шаҳримизнинг Ҳамза тумани маҳаллаларида ҳам қизғин кечмоқда. Ҳаракатнинг туман кенгашининг умумий назорати остида ўтказилаётган ободонлаштириш ишлари биринчи галда тумандаги “Наврўз” маҳалласи юзига кўрк бағишлади. Коллеж талаба-ёшлари ҳамда маҳалла аҳли саъй-ҳаракати билан Иноғом Юсупов маҳалласидаги ҳашар ишлари ҳам ниҳоясига етди. Ҳашарчилар орасида Ҳамза туманидаги Қурилиш касб-ҳунар коллежи Темир йўл ва Компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежлари, Тошкент авиасозлик коллежи ҳамда ТошМИ академик лицей талабаларидан ташкил этилган гуруҳлар ҳар куни навбатма-навбат ободонлаштириш ҳашарида фаол иштирок этиб келмоқда. Ҳашар йўли билан маҳалла ҳудудлари ортиқча ахлат ва чиқиндилардан тозаланиб, ҳосилдор заминлар чопилмоқда. Маҳаллаларни кўкаламзорлаштириш мақсадида шу қисқа вақт оралиғида 500 дан зиёд ниҳол кўчатлари экилди.

Шаҳримизнинг ҳар бир гўшасини обод қилиш учун ўтказилаётган оммавий ҳашар тадбирлари барча туман маҳаллаларида давом этмоқда.

**Наргиза УМАРОВА,**
**“Туркистон-пресс”**

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг Молия бош бош-қармаси жамоаси ушбу бош-қарма бошлиғи ўринбосари Ҳамидулла Абдуллаевич Ибрагимовнинг онаси

**САЛОМАТҲОЖИ онанинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси “Она Нафиса” хусусий фирмаси раҳбари Нафиса Каримовна Тошпўлатовага онаси

**Тошбиби ая**
**ТОШМАТОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ОЧИҚ ТУРДАГИ «КОНШАРҚ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ 12 МАРТ КУНИ СОАТ 12-30 ДА НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ МАЖЛИС ЎТКАЗАДИ.**

Рўйхатга олиш соат 12-00 дан бошланади. Ёнингизда паспорт бўлиши керак.

Манзил «АНАРИЕС» кафеси.

Собир Раҳимов тумани, Ниёзов кўчаси (эски Софийский), 17-уй.

Мўлжал: «Нукус» кинотеатри бекати 10, 14, 88-автобуслар.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. 2002 йил 14 июнда ўтказилган навбатдан ташқари умумий мажлис масаласи.
2. Ушбу мажлисда тузилган гаров шартномасининг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги масаласи.

**Кузатув кенгаши**


(Газетанинг навбатдаги сони 9 мартда чиқади) .




**Байрам ҳазиллари.**




**Абдурасул Ҳакимов чизган расмлар.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 5009 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-208. 2 3 4 5 6